Регионал илмий-амалий конференция

# МЕҲНАТКАШЛАР ОММАСИНИНГ ИНТЕРНАЦИОНАЛ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИГА ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИ

**У. Ж. ЖОНИБЕКОВ,**
**Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари**

Миллий ва миллатлараро муносабатларга, интернационал ва ватанпарварлик тарбиясига бизнинг ёндашувларимиз ҳам, ана шу жараёнларга партия раҳбарлиги ҳам ҳозирги вақтда инсон шахсини фаоллаштиришнинг бутун дастурини ҳаракатга келтирган, миллий тил, маданият, урф-одатлар, бадиий қадриятларни сақлаш масалаларини, бевосита аралашиб кетишдан муҳофаза этишни ўз ҳаёт фаолиятининг марказига қўйган Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси ғоялари таъсири остида ўзгарган шарт-шароитлар билангина эмас, шу муносабат билан ҳал этилаётган муаммоларнинг хилма хиллиги ва мураккаблиги билан ҳам белгиланади.

Гўё демократия ҳаддан зиёд кенгайиб кетганлиги туфайли биз кўпгина салбий ҳодисаларга дуч келдик, мабодо ҳамма нарса эскича қолганида, мамлакатимизнинг социалистик йўлини, халқларнинг қардошларча иттифоқи ва дўстлигини шубҳа остига оладиган экстремистлик кайфиятидаги унсурларнинг хуружи учун баҳона бўлмас эди, деган таъналарни неча бор эшитишга тўғри келганлигини яшириб ўтирмайман.

Бу хусусда нима дейиш мумкин? Миллий масалани газак олдириб, йиллар, ўн йиллар давомида ҳал этмаган, ана шу масала назарияси ва амалиётига сохта интернационалистик ёндашув намоён бўлган ўтмишда айни демократия етарли бўлмаганлиги сабабли бугун биз ана шу муаммоларга дуч келаётганимизни эскича фикрлашга ўрганиб қолган кишилар тушунмаяптилар, чоғи.

Ҳали яқингача ҳам биз «келажакнинг нурафшон бино»сини қураяпмиз, унинг қаватлари даражасини —билим ва уқувни ошираяпмиз, умумий ўрта ва олий таълимни такомиллаштираяпмиз, деб юрар эдик. Тўсатдан шу нарса равшан бўлиб қолдики, биз бунёд этаётган бино деворлари нурапти, ёрилибди, ўрта маълумот «ўрта миёна» маълумотга, олий маълумот — ўрта маълумотдан сал юқорироқ маълумотга айланиб кетибди. Ислоҳот эса номигагина ислоҳот бўлибди. Мактаб маъмурий-буйруқбозлик системасининг ўз «мурватларини» шакллантириш тўғрисидаги социал-педагогик йўл-йўриқларини амалга ошириб, шахснинг «тўнини бир андозада бичиш» йўлига ўтиб, объектив тарзда миллатимизнинг интеллектуал илдизларини қирқишга олиб келди.

Шу боисдан ҳам эндиликда халқ таълимига раҳбарликни яна қайта қуришга, янги программалар, дарсликлар ва кўргазмали-ўқув қуроллари яратишга тўғри келмоқда. Чунки биз бинонинг қаватларини кўтарамиз, деб умумтаълим мактабида, айниқса унинг бошланғич бўғинида негиз қўйиладиган пойдеворни унутиб қўйибмиз. Сиз, эҳтимол, 50-йилларнинг бошидан ҳар беш йилликда умумий ўрта таълимни амалга ошириш вазифаси қўйилганлигини эсласангиз керак, шу вазифа туфайли аҳолининг саводини оширишда анчагина расмиятчиликлар пайдо бўлди. Мактабдаги политехника таълими ҳам моддий ресурслар билан мустаҳкамланмаганлиги учун қуруқ гап бўлиб қолди. Бундан тўрт йил муқаддам биз болаларни олти ёшдан ўқитамиз, деб янги иш бошладик, аммо бунинг учун ҳам тегишли моддий техника базаси йўқ эди. Ҳозир эса бу ишни йиғиштириб қўймоқдамиз, чунки Қозоғистон мактаблари шусиз ҳам ўқувчилар билан тўлиб кетган.

Ёшларни эстетик руҳда тарбиялаш иши ҳам яхшиланиши керак. Агар шаҳарларда яшаётган қозоқ, немис, уйғур, украин ва корейс болалари ҳақида гапирадиган бўлсак, улар ўз халқининг тарихи, маданияти билан тузукроқ қизиқмайдилар, она тилидаги китобларни кам ўқийдилар ёки умуман ўқимайдилар, шу тилда гаплаша олмайдилар. Бу ёшлар ашула айтишни, рақсга тушишни, нафосат оламидан баҳра олишни билмайдилар, улар «янги санъат» деб аталмиш санъатнинг нури, ритми ва овозига маҳлиё бўлиб қолиб, бошқа ҳамма нарсани унутганлар. Ёшлар ҳозирги маданий-мафкуравий экспансиянинг жабрдийдалари бўлиб руҳий жиҳатдан номукаммал, бефарқ, ижтимоий ҳаётда пассив бўлиб қолмоқдалар.

Мен эҳтимол, бўрттириб айтаётгандирман. Лекин аҳвол ана шундай. Қозоғистонда, гарчи республикада Таълим министрлиги, Педагогика фанлари институти «Мектеп» нашриёти бўлса-да, Совет ҳокимиятининг 70 йили мобайнида миллий хусусиятлар, маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олиб, ўқувчиларни эстетик руҳда тарбиялашнинг мукаммал системаси яратилмади. Биз эндигина қозоқ ва уйғур мактаблари учун алоҳида тарзда эстетик тарбия комплекс программасини ишлаб чиқишга киришмоқдамиз, биз бу ўринда рус мактаблари марказ тавсия этган программадан, ўзбек ва тожик мактаблари Тошкент ва Душанбе тавсия этган программалардан фойдаланишлари мумкинлигини назарда тутмоқдамиз; ана шу комплекс программани ишлаб чиқишдан мақсад болаларга музика асосларини, халқ рақсларини, халқ музика асбобларини чалишни ўргатишдан, гўдакликданоқ нафосат оламини англашни ўргатишдан иборат.

Ишнинг шу жиҳатига эътибор бераётганимизнинг яна бир боиси шундаки, Қозоғистон бу борада бошқа кўпгина иттифоқдош республикалардан орқада қолган. Республикамиздаги ҳар уч мактабнинг бири мослаштирилмаган бинода жойлашган, бу биноларда замонавий талаб даражасида машғулот ўтказиш учун шарт-шароит йўқ. Биз ҳозир ўтмишда мактаб, клуб ва кутубхоналар, соғлиқни сақлаш объектлари кам қурилган 79 та районни алоҳида кўрсатишга мажбур бўлдик. Ўтган йили педагогика олий мактабларини битириб чиққан ёш мутахассисларнинг кўпчилиги ана шу районларга жўнатилди, бу районларга кўпроқ мактаб ускуналари, кўргазмали-ўқув қуроллари, компьютер техникаси ажратиб берилди. Ушбу районларга борган республиканинг энг яхши ўқитувчилари зарур методик ёрдам кўрсатдилар.

Аммо натижалар тез орада қўлга киритилмаса керак, чунки партия комитетлари, халқ таълими органлари ва мактаблар фаолиятида неча йиллар давомида таркиб топган эскича усуллар асорати, юқоридан буйруқ бўлганидагина қуйи бўғинлар ҳаракатга келадиган, синовдан ўтган «юқоридан пастга» қабилида ишлаш одатлари сезилиб турибди. «Қолип»дан чиқиб ижодкорликка ўтиш, бир хилликдан кўп хиллик сари қадам ташлаш, юқоридан бўладиган кўрсатмага қараб ишлашдан ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишга ўтиш осон кўчаётгани йўқ.

Биз 1986 йил декабрь ойида содир бўлган Олмаотадаги воқеаларнинг сабоқларини яхши уқиб олдик ва ташқаридан бериладиган «ҳуқуқшунослик дарсига» муҳтож эмасмиз, яқинда марказий телевидение орқали кўрсатилган бир телефильмнинг муаллифлари устозлик қилишмоқчи бўлгани учун шундай деяпман. Ҳар бир республикада ўзининг анчагина муаммолари бор, қўшнига қандай яшаш лозимлигини ўргата бошлашса, бу халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга ёрдам бермайди, деб ўйлайман.

Учта принципиал хулосани биз ўзимиз учун ҳам фарз, ҳам қарз, деб биламиз: миллий хусусиятларни бўрттирмаслик ва рад этмаслик керак; муаммоларни олдиндан кўра билиш ва олдиндан пайқаб олиш керак, муаммоларнинг йиғилиб қолишига йўл қўймаслик, салбий ҳодисаларга эрк бермаслик керак; қийинчиликларга дадил пешвоз чиқиш ва кескинликни бартараф этишнинг янги йўлларини топиш лозим. Масалан, немислар ўз тилларида педагогика институти, педагогика билим юрти очиш, Темиртовдаги немис театрини Олмаотага кўчириш, уйғурлар миллий мактабларни битириб чиқаётган йигит-қизлар учун олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини уйғур тилида топширишни жорий этиш, турклар ўз паспортларидаги ёзувларни ўзгартириш йўли билан турк миллатига мансубликларини тан олиниши масаласини, курдлар, греклар, қрим татарлари ўз тилларини она тили сифатида ўргатиш, корейслар Олмаотада театр қуриш масаласини кўтарган эдилар. Бу масалалар ҳал этилди ва белгиланган тартибда ҳал этилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Қозоғистон республика партия ташкилотининг меҳнаткашларни интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги иши тўғрисида»ги қарори бизни шунга даъват этмоқда, бу қарорга кўра, республикадаги маънавий психологик иқлимни соғломлаштириш, партия ва давлат аппаратини ўз обрўсини тўкиб қўйган ходимлардан тозалаш, социал адолатни қарор топтириш, барча миллий группаларнинг ижтимоий-сиёсий структурада зарур даражада вакиллигини таъминлаш юзасидан муайян иш бажарилди. Кўп йиллар мобайнида республикада таркиб топган турғунликни эътиборга олиб, биз миллий ва миллатлараро муносабатлар соҳасидаги тенденциялар ва йўналишларни бошқаришнинг мукаммал системасини яратишга ҳаракат қилмоқдамиз. Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети аппаратида миллий ва миллатлараро муносабатлар сектори тузилди, область партия комитетларида эса маслаҳатчилар лавозими таъсис этилди. Меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш ишига партия активлари, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, ижодий союзлар ходимларини кенг жалб этиш мақсадида, одат тариқасида, турли миллатларга мансуб олимлардан, республикада обрў орттирган кишилардан миллий ва миллатлараро муносабатлар комиссиялари тузилди. Улар региондаги ишлар аҳволини ўрганадилар ва таҳлил қиладилар. Партия комитетларига бу соҳада таркиб топаётган аҳвол ва тенденциялар ҳақида, ижтимоий сиёсий структурадаги ўзгаришлар, меҳнаткашларни интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тўғрисида ахборот берадилар, партия ташкилотлари ўтказаётган ишнинг самарадорлигини ошириш юзасидан амалий тавсияларни ишлаб чиқадилар.

Миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришни бошқаришнинг ана шу системасига халқ депутатлари Советлари, касаба союзлари ва комсомол органларининг жамоатчилик уюшмалари ҳам киради. Буларнинг ҳар бири учун фаолият соҳаси, мақсад ва вазифалар белгилаб чиқилган. Масалан, Қозоғистон ССР Олий Советининг доимий комиссияси республикада яшаётган ҳар бир миллий группанинг конституцион ҳуқуқларига қатъий риоя этилишини таъминлайди, миллий ва миллатлараро муносабатлар соҳасида норматив актларнинг қўлланилишини кузатиб боради. Доимий комиссия ишчи группаларида турли миллатларга мансуб вакиллар бор, улар аҳолининг миллий-маданий эҳтиёжларини, меҳнаткашларнинг илтимос ва истаклари қандай қондирилаётганлигини ҳам кузатиб борадилар. Масалан, улар иштироки билан ўз миллий-территориал давлат тузилмаларидан ташқарида яшаётган халқлар, шундай тузилмага эга бўлмаган миллий группалар ўртасида пайдо бўлаётган жуда ўзига хос муаммоларни ҳам келишиб олиб кўриб чиқиш тартиби белгиланди.

Область Советларида, Олмаота шаҳар Советида доимий депутатлар группалари тузилган. Шу группалар ҳузурида месхети турклари, озарбайжон, грек, дунган, уйғур, немис, корейс ва поляк аҳолисининг манфаатларини ҳимоя қиладиган 56 та депутатлар группаси тузилган.

Ўзининг миллий-территориал тузилмасига эга бўлмаган халқларнинг тараққиёти мантиқи одатда маданий марказлар бунёд этиш талабига олиб келади. Республикадаги уйғур, корейс, немис аҳолисидан ана шундай талаблар тушмоқда. Ўз миллий чегараларига ўралашиб қолган жуда кўп маданий марказлар бунёд этмаслик учун Олмаотада ленинча миллий сиёсатни тарғиб этадиган республика ижтимоий-сиёсий маркази очилди, бу марказ барча идоралар ва ташкилотларнинг миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш ишидаги фаолиятини йўналтириб туради. Ушбу марказга В. И. Ленин музейининг Олмаотадаги филиали, Фанлар академиясининг миллатлараро муносабатлар соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борадиган бўлими, Халқ таълими министрлигининг миллий тилларни ўрганиш билан шуғулланувчи методика кабинети, миллий тилларда телевизион фильмлар яратиш студияси, музика заллари, видеосалонлар, халқ ҳунармандлари буюмларининг савдо кўргазмаси, қироатхонаси бўлган кутубхона, дастурхонга миллий таомлар тортадиган кафе ва бошқа бўлинмалар киради.

Бу ерда санъат фестиваллари, ижодий учрашувлар ўтказилади. Иттифоқдош республикаларнинг фильмлари намойиш этилади. Марказ ҳузурида артистларнинг сайёр бригадалари тузилиб, улар майда миллатлар кўпроқ яшайдиган районлар аҳолисига хизмат кўрсатадилар.

Республика ижтимоий-сиёсий маркази яқиндагина иш бошлади. Ҳозирнинг ўзидаёқ бизга телефон қилишиб, тажриба ўргангани келишмоқчи эканликларини айтмоқдалар. Олимлар, санъат ва маданият арбоблари марказ хизматига шай бўлиб туришганини айтишиб, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш тўғрисидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баҳам кўрмоқдалар. Агар бизнинг илк тажрибамиз бошқаларга ёрдам берса хурсанд бўламиз.

Миллатлараро муносабатлар нозик соҳа бўлиб, у ёки бу муаммога алоҳида зийраклик ва диққат-эътибор билан қарашни талаб этади. Ҳамонки, биз миллатлараро муносабатлар масалаларини кўриб чиқадиган КПСС Марказий Комитетининг пленуми арафасида эканмиз, бу анжуман ҳужжатларида социалистик миллатлар равнақининг ва ССР Иттифоқининг тарихига объектив характеристика берилиши лозим, деб ҳисоблаймиз, чунки амалий ходимлар, яъни бизнинг қўлимизда Совет ҳокимияти йилларида таркиб топган вазиятни ҳисобга олган ҳолда КПССнинг миллий муаммоларга ёндашувларини белгилаб берадиган асосли материаллар бўлиши керак.

Яна бир масала бор. Қрим татарлари, Волга бўйи немислари, месхети турклари, курдларнинг ўз юртларидан кўчирилиши сталинча зўравонликнинг кўриниши бўлган эди, бунга принципиал баҳо бериш пайти келди, Қримнинг территориал автономиясини, Волга бўйи немисларининг автономиясини тиклаш, месхети турклари, курдларга она юртларига қайтиб боришга рухсат бериш керак, бу ўринда шуни назарда тутиш ўринлики, ҳар қалай республикамиздаги аҳоли ана шу қисмининг кўпчилиги ўша ўлкаларга қайтиб бориш масаласини қўймайди, лекин шундай йўл тутилганида ана шу халқларга нисбатан тарихий адолат тикланган бўлур эди.

Ҳозирги вақтда турли миллий группаларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий структурасидаги вакиллиги ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу тўғри гап. Кўп масалалар қайта кўриб чиқилди. Ҳозир Қозоғистон халқ депутатлари Советларида, касаба союз ва комсомол органларида, халқ контроли системасида 80 миллатга мансуб меҳнаткашлар вакил бўлиб турибдилар.

Иш манфаатларини кўзлаб, ССР Иттифоқи Олий Совети Миллатлар Советида халқларнинг имкони борича кўпроқ вакиллари бўлишини назарда тутиш лозим бўлур эди. Ҳозирги вақтда Миллатлар Советини шакллантиришга расмий аломат, яъни иттифоқдош республикалар составида миллий автономияларнинг бор ёки йўқлиги асос қилиб олинган. Бу Украина, Қозоғистон, Белоруссия сингари йирик иттифоқдош республикаларни тенг бўлмаган аҳволга қўяди. Чунки, ҳар бир иттифоқдош республиканинг ушбу органдаги депутатлари сони баробар бўлиши керак. Автономияларнинг вакиллигига эса депутатлик ўринларини бериш ва ССР Иттифоқи составига бевосита кириш йўли билан эришиш керак. СССР ҳукуматида ССР Иттифоқининг миллатлар ишлари давлат комитети тузилиши мақбул бўлур эди.

Маълумки, миллий муаммолар тўсатдан юзага келмайди. Шу муносабат билан таъкидламоқчиманки, жамиятшунос-олимлар миллий муносабатлардаги зиддиятлар сабаблари ва характерини, бу зиддиятларни бартараф этиш йўлларини, аҳоли турли табақаларининг хусусиятларини ҳисобга олиб, меҳнаткашларни интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг форма ва методларини билимдонлик билан диалектик тарзда ўрганишлари лозим.

Иттифоқ даражасида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишга оид тадбирлар комплексини аниқлаш ва амалга ошириш лозим, булар орасида миллий масалаларга бағишланган умумиттифоқ даврий нашрига эга бўлиш, марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосида СССР халқлари тилларида кўрсатувлар ва эшиттиришлар учун махсус программалар бўлиши лозимлиги сингари масалалар бор. Иттифоқдош республикаларнинг ўзларига турли матбуот нашрларини, айниқса миллатларнинг эҳтиёжларини қондирадиган миллий тиллардаги нашрларни таъсис этиш ҳуқуқи берилиши керак, бу нашрлар ўз харажатларини ўзи қоплаши кераклиги назарда тутилади, албатта. Миллий тилларда кинофильмлар чиқаришни анча кўпайтириш ҳамда республика студияларидан ана шу фильмларни субтитрлар билан кўрсатишни йўлга қўйиш даркор. Умумиттифоқ эҳтиёжларини ва регионларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ўзларининг миллий-территориал тузилмаларига эга бўлмаган халқлар тилларида марказлаштирилган тартибда дарсликлар, методик қўлланмалар, луғатлар ва сўзлашув қўлланмаларини чиқаришни ташкил этиш лозим бўлади.

Қозоғистон сингари кўп тилларда сўзлашадиган республика учун одамлар ўртасидаги муомала воситасини танлаб олиш сиёсий-иқтисодий ва социал-маданий соҳадаги бир қанча мезонлар билан белгиланади. Бир жиҳатдан, турли тилларда сўзлашув социалистик жамиятдаги ҳар бир миллий маданиятнинг сақланиши кафолатидир, иккинчи томондан эса, СССР яхлит халқ хўжалиги комплексининг жадаллаштирилиши тил қурилиши ва нутқ бобида энг қулай йўлларни ишлаб чиқишни талаб этади.

«Биз, ҳатто жуда кичик халқ ҳам йўқ бўлиб кетишига, жуда кичик халқнинг тили унутилиб кетишига сира йўл қўя олмаймиз», — деди М. С. Горбачев 1989 йил 6 январь куни фан ва маданият арбоблари билан бўлган учрашувда.

Партиямиз тил тўғрисидаги масалани худда ана шундай тахлитда қўймоқда. Аммо миллий давлат қурилиши турли жиҳатларининг айрим мутахассислар ва ҳатто шу соҳада жуда катта обрў орттирган мутахассислар томонидан республикамизда муҳокама қилиниши, назаримизда, ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этишгагина, ҳатто масалани фақат бир конституцион жиҳатдан ҳал этишгагина, яъни ё қозоқ тилининг ўзига давлат статусини бериш (улар жиддийлик билан бу қозоқ тилининг ривожи учун жуда етарли деб ҳисобламоқдалар), ёки кўп йиллардан бери таркиб топган аҳволни инобатга олиб, бир вақтнинг ўзида қозоқ ва рус тилларига давлат статуси беришгагина тақаб қўйилмоқдаки, бу ҳаққоний далилдек кўринмайди.

Аслида қўлимизда 1987 йилдан бошлаб аҳоли рўйхатининг таққосласа бўладиган маълумотлари бор. Афсуски, 1937 йилги аҳоли рўйхатлари маълумотлари йўқ бўлиб кетган, бу маълумотлар ўша даврга келиб, қозоқ тилининг юритилиши социал негизи тўғрисидаги тасаввурларимизни тўлдириши мумкин эди. Маълумки, коллективлаштириш йилларидаги очарчиликда одамлар ялписига ҳалок бўлганди, кейинчалик эса Сталин репрессиялари оқибатида кўп қозоқларнинг ёстиғи қуриди.

Бунинг оқибатида 1939 йилда қозоқлар қишлоқда аҳолининг 44 процентини ташкил этди. Аммо 1979 йилда улар республика қишлоқ аҳолисининг 52,4 процентини ташкил этдилар, бу қозоқ овулида қозоқ тилини ривожлантириш учун катта имкониятлар борлигидан далолат бериб турибди. Лекин кейинчалик бу имкониятлардан фойдаланилмади ва улар рағбатлантирилмади. Аслида қозоқ тилининг ривожланиши учун биринчи беш йиллик йиллари, тахминан 40-йилларгача бўлган давр қулай бўлди, ўшанда Қозоғистон кенг миқёсли, кўп жиҳатдан объектив миграция ўзгаришларининг майдонига ҳали айланмаган эди. Кейинги йилларда, турмуш, халқ ижодиёти, бадиий адабиёт, оммавий ахборотни истисно этадиган бўлсак, қозоқ тили аслида қўлланилмади. Ленинча миллий сиёсат сунъий тарзда бузилиши оқибатида қозоқ тилининг қўлланилиши учун нохуш шарт-шароит вужудга кела бошлади, бошқа миллий группалар тилларининг равнақи шарт-шароитлари сингари қозоқ тилининг аҳволи ҳам ҳалокатли тарзда ёмонлашди.

Қозоқ тили бора-бора ўз социал базасининг кўп бўғинларидан маҳрум бўлди. Бу тил ўзи билан тенг бўлган совет миллатларининг тилларига хос бўлган кўпгина социал функцияларни бажармай қўйди. Она тилида олган маълумоти асосида замонавий илм-фан, техника, маданият чўққиларига, ижтимоий-сиёсий фаолиятга интилаётган ёшлар йўлига валюнтаристик ҳамда буйруқбозлик-бюрократик машина тўсиқ бўлди, худди шу машина қозоқ тили қўлланилишининг социал негизини шафқатсизлик билан мажағлаб ташлади.

Россия империяси шароитидаёқ кўзга ташланган мазкур тенденция Сталин томонидан тўқиб чиқарилган, Хрущев ва Брежнев давом эттирган миллатларнинг қўшилиб кетиши концепциясини амалга оширишга киришиш чоғида Совет давлати томонидан қудратли ҳуқуқий, социал, иқтисодий ва мафкуравий мадад олди. Ҳали яқингача ҳам ким-кимга уйлангани, ким-кимга турмушга чиққани, у ёки бу коллективда неча миллат вакиллари ишлаётгани сингари масала ҳақида обдон оғиз кўпиртирилиб, бу фактлар миллатларнинг «қўшилиб кетиши», деб кўрсатилар эди. Феодализм даврида ҳам, капитализм замонасида ҳам, ибора учун маъзур тутасиз, ана шундай «қўшилиш» содир бўлган, бу гапга ҳеч ким эътироз билдирмайди, деб ўйлайман, аммо ҳеч ким буни бутун бир ижтимоий-сиёсий формациянинг ютуғи, деб ҳисобламаган, чунки ана шу тарзда яқинлашиш учун ҳаётнинг ўзи шарт-шароит вужудга келтирган эди. Биз ана шу ниқоб ортидан миллий масаладаги жиддий камчиликларни сезмасликка ҳаракат қилдик, эндиликда бу қимматга тушмоқда. 50-йилларда, айниқса 70-йилларда қозоқ тилининг ҳуқуқий позициялари путурдан кетди. 1937 йилдаги Қозоғистон ССР Конституциясида белгилаб қўйилган қозоқ тилининг расмий статусига нисбатан унинг ҳуқуқий аҳволи чекланди. Эндиликда биз чинакам интернационализм позицияларида туриб, қозоқ тилининг ҳам, бошқа иттифоқдош республикалар туб миллатлари тилларининг ҳам социал функцияларини ривожлантиришга қаратилган кенг миқёсли ва олисни кўзлайдиган ҳуқуқий ҳамда социал-иқтисодий тадбирларни кўришимиз керак.

Шу муносабат билан биз СССР Конституциясининг гражданларнинг билим олиш ҳуқуқи тўғрисидаги 45-моддасидаги «Бу ҳуқуқ... мактабда она тилида ўқиш имконияти билан таъминланади» деган маълум қоидага: «Бу ҳуқуқ... она тилида ўқитиш, тарбиялаш ва ижтимоий-фойдали фаолият имконияти билан таъминланади», деб янги таҳрирда тузатиш киритиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Шундай баён қилинса, давлат миллий тилларни ёш авлод ҳаёт фаолиятининг узлуксиз силсиласидан ажратиб олинган битта чекланган соҳада эмас, балки барча соҳаларда нормал қўлланилишини таъминлашни ўз зиммасига олади.

Тил муаммоларини биз олимлар ва студентлар, ишчилар ва маданият арбоблари билан муҳокама қилдик. Яқинда Марказий Комитет бюроси мажлисида КПСС Марказий Комитети пленумига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинганида, қозоқ ва рус тилларини Қозоғистон ССРнинг давлат тиллари, деб тан олиш зарурлиги ҳақида якдиллик билан қарор қабул қилинди. Шуни яна бир карра таъкидлашни истар эдимки, бу республикадаги бошқа миллий тилларнинг эркин ривожланишига сира монелик қилмайди. Республикада бунинг учун кўп иш қилинмоқда. Мактабларда қозоқ, рус, уйғур, ўзбек ва тожик тилларида таълим берилмоқда, тўққизта бошқа тил — немис, корейс, озарбайжон, месхети турклари, курд, поляк, грек, дунган ва қрим татарлари тиллари она тили тарзида ўрганилмоқда. Китоблар, газета ва журналлар олти тилда чиқарилмоқда, телевидение ва радио беш тилда эшиттиришлар ва кўрсатувлар тайёрламоқда. Бу ишни бундан буён ҳам давом эттираверамиз.

Аҳоли она тилини ўрганиш ҳақида истак билдираётган ҳамма жойларда, бу тил қозоқ тилими, поляк, немис ёки месхети турклари тилими, биз маҳаллий имкониятларни, албатта, ҳисобга олиб бунинг учун зарур шароитлар яратишга ҳаракат қилмоқдамиз. Масалан, Олмаота, Целиноград ва Кўкчатов областларидаги бир қанча мактабларда айрим фанлар немис тилида ўқитилмоқда, 271 та мактаб ва 120 та болалар боғчаларида ҳозир немис тили она тили сифатида ўргатилмоқда. Немис тили ўқитувчилари, болалар боғчаларининг мураббияларини, Кўкчатовдаги педагогика институти, Олмаотадаги чет тиллар институти, Саранск шаҳридаги педагогика билим юрти тайёрламоқда. Целиноград педагогика институтида немис бўлимлари очилди. Республикада уйғур мактаблари кўп. 1988 йилдан бошлаб ўрта мактабларни она тилида битирган кишилар учун институтга кириш имтиҳонлари уйғур тилида қабул қилинади.

Аммо шунга қарамай, таҳлил миллий тилларда бемалол гапирадиган кишилар кўпаймаганлигини кўрсатаяпти. Нега шундай бўлди? Масала тилларни тез ўзлаштириб олиш методикаси йўлга қўйилмаганлигига бориб тақалади. Дарҳақиқат, мактаб ўз ўқувчиларидан фақат тилчиларнигина тайёрлаш вазифасини қўймай, умуман кўпроқ билимли одамларни тайёрлашга ҳаракат қилаётган экан, бутун мамлакат миқёсида оғзаки ва ёзма нутқни амалда тезроқ ўргатиш концепциясини ишлаб чиқиш, болаларни ҳам, ўрни келса катталарни ҳам бундан буён амалий тилни ўзлаштириб олишга ўргатиш, бунда асосий эътиборни грамматикагагина эмас, у ёки бу тилни ҳам ўрганиб олишга қаратиш лозим бўлади, чоғи.

Республикада қозоқ тилини ҳам, рус тилини ҳам ўрганишни яхшилаш, ўз ихтиёри билан танлаб олиш шароитида реал икки тилликни қарор топтириш, Қозоғистон аҳолиси гапираётган барча бошқа тилларни ривожлантириш ва улардан тенг ҳуқуқли фойдаланишнинг яхлит тадбирлар системаси амалга оширилмоқда. Худди ана шундай ёндашув маънавий муҳитга, миллатлараро муносабатларнинг юксак маданиятини тарбиялашга ҳаётбахш таъсир ўтказишига аминмиз. Аммо ҳаёт умуман мамлакат миқёсида СССР халқлари тилларининг равнақи ва улардан тенг ҳуқуқли фойдаланишнинг давлат программаси тузилиши лозимлигини тақозо этмоқда. Бу программа тилчилик жиҳатдан ишлаб чиқилган этник харитага асосланиши, бу харита эса ҳар бир тилга эҳтиёжни, у ёки бу муҳит ва ижтимоий ҳаёт соҳаларида икки тилликнинг конкрет типини акс эттириши керак.

Тилнинг нуфузи шиорлар, декретлар билан эмас, балки шу тилда сўзловчи кишилар томонидан кўтарилади. Одамларни она тилидан фойдаланишга, бошқа халқлар тилларига ҳурмат билан муносабатда бўлишга ўргатиш керак, чунки бу кишилар қўлни қўлга бериб ёнма-ён ишламоқдалар ва яшамоқдалар.

Шу мақсадда биз қозоқ ва рус тилларини билиш талаб этиладиган ҳунарлар рўйхатини аниқлаб чиқишни тавсия этдик, чунки таълим, иш юритиш соҳасида, синхрон таржимани қўллашда, кўргазмали тарғиботда икки тиллилик имкониятларидан ҳамон фойдаланилмаяпти, бу имкониятлар амалга оширилмаяпти. Ўз она тилида муомала қилишларини истаётган киши поликлиникага, омонат кассага, почтага, магазинга, сартарошхонага бормоқчи бўлса, маълумот берадиган бўлинмага мурожаат қилса, шу тилда жавоб олиши лозим деб ўйлаймиз. Ҳозирги вақтда республикада телеграмма, посилка, мактубларни қозоқ тилида ҳам қабул қила бошладилар. Қаранг, мумкин экан, бу ишнинг мураккаб жиҳатлари ҳам йўқ экан.

Қайта қуриш дастлабки йилларининг энг муҳим сиёсий натижаси одамлар сиёсий активлигининг ошганлигида, улар ижодий ташаббускорлигининг равнақидадир. Миллий ва миллатлараро муносабатлар тенденциялари ва йўналишларини ўрганиш ва бошқариш юзасидан партиявий ишнинг марказига эндиликда сиёсий методлар, сиёсий ёндашувлар қўйилмоқда, аммо биз, ҳар қалай, бу ишдаги норасоликлар ва бузилишларни тузатиш жараёни узоқ давом этишини ва фавқулодда мураккаблигини билиб турибмиз. Бу ўринда, гарчи ҳаётимизда ҳис-туйғу, сезги роли ҳали катта бўлса ҳам, фақат ҳиссиётларгагина суяниш сира мумкин эмас, булар ҳар қалай, энг асосий нарса эмас.

Илмий ёндашув кўпроқ ишончлидир, бундай ёндашувда, афсуски, фикр-мулоҳаза юритиш ва хулосалар чиқаришга шошилишмайди, лекин бу айб хавфли эмас, ҳаётга ҳам чанг солмайди. Миллий ва миллатлараро муносабатларнинг илмий негизларини ишлаб чиқиш зарурати аллақачон, ҳа, аллақачон етилган эди ва бу масъулиятли вазифани бажариш — бизнинг фахрли ва қийин бурчимиздир.

---

*• Диққат, яна бир янги фонд!*

# ШАФҚАТ ВА САЛОМАТЛИК—БОШ МАҚСАД

**Мамлакатимизда бошқа қатор хайрли ташкилотлар билан бирга совет шафқат ва саломатлик фонди ҳам таъсис қилинди. Бугун ана шу фонднинг Тошкент бўлими ташкил этилади. Шу муносабат билан махсус мухбиримиз область соғлиқни сақлаш бўлими мудири М. Бекнозовага бир неча саволлар билан мурожаат қилди.**

**— Бундай фондни ташкил этишдан кўзда тутилган мақсад ҳақида гапириб берсангиз?**

— Областимизда таъсис этиладиган шафқат ва саломатлик фонди аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ишига кенг жамоатчиликни сафарбар қилади. Айрим гражданлар, меҳнат коллективлари, давлат муассасалари ва жамоат ташкилотлари, уруш ва меҳнат ветеранлари, кексалар, инвалидлар, ёлғиз қолган беморлар, шунингдек бошқа тоифадаги муҳтож кишилар ана шу фонднинг амалий ёрдамидан баҳраманд бўладилар. Фонднинг асосий ташкилотчилари соғлиқни сақлаш касаба союз, комсомол органлари, уруш ва меҳнат ветеранлари советлари ҳамда бошқа қатор муассасаларга дахлдор идоралардир.

Ҳозир бемалол, ошкора айтиш мумкинки, даволаш муассасалари, бу соҳада ишлаётган кишилар тўғрисида давлатимиз қанчалик салмоқли маблағ ажратмасин, бу камлик қиляпти. Шифохоналарда ўринлар етишмайди. Бемор болалар учун даволаш муассасалари кам. Дори-дармонлар, замонавий медицина техникасига эга бўлишни истаган поликлиникалар, касалхоналар ҳам маблағ йўқлигидан қийналадилар.

**— Кечирасиз, шу фикрингизни аниқ рақамларда таҳлил қилиб бера оласизми?**

— Масалан, областимизда даволаш муассасалари шу кунгача дори-дармон билан бор-йўғи 82 процент, медицина техникаси билан эса 83 процент таъминланган. Касалхоналар, поликлиникалар медицина-акушерлик пунктларининг 85,7 проценти бир амаллаб мослаштирилган биноларга жойлаштирилган. Бундай муассасалардан 78,3 проценти канализацияга эга эмас. 82,2 проценти иссиқ, 43,3 проценти совуқ сув билан деярли таъминланмаган. 15 та бино эса бутунлай яроқсиз. Қишлоқ медицина муассасаларида, айниқса, аҳвол ночор. Буларга қўшимча равишда шуни ҳам айтиш керакки, беморларга хизмат кўрсатаётган медицина ходимларининг социал турмуш тарзида қатор мушкулликлар бор. Областда 699 нафар соғлиқни сақлаш ходими турар-жойга эга эмас. Улар орасида касалликка тез чалинаётганлар ҳам кўп. Бўзчи белбоққа ёлчимас деганларидек, врачлар учун ҳордиқ чиқарадиган, соғлиқларини мустаҳкамлаб оладиган муассасалар деярли йўқ. Санайман десам бунақа мисоллар кўп. Ана шу муаммоларни ҳал этишда шафқат ва саломатлик фонди катта ёрдам беради, албатта.

**— Шифокорлар орасида ҳам бундай фондга ҳисса қўшадиганлар кўп бўлса керак?**

Аввало ҳар бир медицина ходими шафқат ва саховат кишисидир. Бу унинг хизмат бурчи ҳисобланади. Ўз вақти, соғлиғи, ҳаёти билан ҳисоблашмай инсон соғлиғи учун курашади. Чернобиль, Арманистон, Тожикистон зилзилаларидаги оғир шароитларда бу соҳа кишиларининг олижаноб фазилатлари яққол намоён бўлди. Ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан хайрли иш қилган ва қилаётган нажоткорлар анчагина. Ўтмишда С. П. Боткин, Г. А. Захарин, М. Я. Мудров, Ф. И. Гааз каби шифокорлар беҳад саховат кўрсатган бўлсалар, ҳозирги С. Н. Федоров, А. М. Амосов, Е. И. Чазов, Р. Петровлар изидан бораётган областимизнинг З. Г. Довженко, Б. Юсупбоев, С. Цирюльникова, Н. Ниёзова, В. Бройде каби врачлари ҳар жиҳатдан катта саҳий қалб эгаси эканликларини кўрсатдилар.

Янги фондни ташкил этишдан кўзланган мақсад жуда хайрли эканлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Кўпчилик уни қўллаб-қувватлашига шубҳа йўқ.

• *Редакцияга хат*

# НОИНСОФЛИК ҚАНАҚА БЎЛАДИ?

*Буюк адибнинг номуносиб меросхўрларига жавоб*

«ТОШКЕНТ ҳақиқати» газетасининг шу йил 18 февраль сонида Абдулла Қодирийнинг набиралари — Хондамир ва Шеркон Қодирийларнинг «Бу — инсофданмас!» сарлавҳали хати босилган. Хат мазмуни ва савияси жиҳатидан диққатга арзирлик бир ҳужжат эмас (буни газетхонлар ҳам фаҳмлаган бўлсалар керак). Аммо бу хатни босган редакция мени жавоб беришга даъват этади.

Мен гапни ўзимдан бошлашга мажбурман, чунки хат муаллифлари мени инсон зиммасига қўйиладиган энг оғир гуноҳлардан бирида айблаб, беюзлик билан «ўғри» деб атайдилар. Шу сабабли аввало «ўғри»нинг ким эканлигини бир марта эслатиб ўтмоқчиман.

Партиямизнинг тарихий XX съездидан кейин мен ёзувчи Иброҳим Раҳим билан бирга (ўшанда у «Совет Ўзбекистони» газетасининг бош редактори эди) Абдулла Қодирийни оқлаш масаласини кўтариб чиқишга журъат этдик. «Журъат» сўзини мен бу ерда ҳеч бир тортинмай, тўла ҳуқуқ ва фахр билан ишлатаман. Чунки менинг Абдулла Қодирий ҳақидаги мақолам «Совет Ўзбекистони»да 1956 йил октябрда босилиб чиққандан кейин маълум бўлдики, уни оқлаш ҳатто XX съезддан кейин ҳам жиддий хавфдан ҳоли эмас экан. Ўша вақтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг идеология соҳасида раҳбарлик қилган баъзи шахслар мени ана шу мақола учун партиядан ўчиришни талаб этганлар. Аммо мен «соғ қолдим», партиядан ўчирилмадим. Бунга ўша вақтда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлган Н. А. Муҳиддиновнинг одиллиги ва Иброҳим Раҳимнинг мардлиги сабаб бўлган эди. Фахр билан қайд этиш мумкинки, ўшанда мен А. Қодирийга биринчи марта ҳайкал қўйдим.

1980 йилда мен ёзган «Адабиёт назарияси» (олий ўқув юртлари учун дарслик) босилиб чиқди. Ушбу қўлланмада мен А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини бадиий асарнинг юксак намунаси сифатида таҳлил этдим ва унга китобдан беш босма тобоқ жой ажратдим. Бу билан ёзувчига иккинчи марта ҳайкал қўйдим.

«Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари» номли драматик ривоят ҳам мен томонимдан яна эзгу ният билан буюк ёзувчига учинчи марта ҳайкал қўйиш ниятида ёзилган эди. Шу билан бирга ўзимнинг қилган ишимга шундай баҳо беришдан «ҳар кимники ўзига — ой кўринар кўзига» деган доно мақолнинг таъсири ҳам бўлса керак, деб ўйлайман ва бу гал ҳам ниятимга етганим билан ўзимни бахтиёр ҳисоблайман. Асар аввал театрга ва кейин халққа манзур тушди. Матбуотда («Правда Востока» ва «Ташкентская правда» газеталарида) спектакль ҳақида илиқ хабарлар пайдо бўлди. Академик театр коллективи ушбу постановкани ўз тарихида қувончли воқеа деб баҳолади.

Хат муаллифлари мени ўғриликда айблайдилар-у, аммо юқоридаги фактларнинг биронтасини эсга олмайдилар. Бу ноинсофликнинг намунаси бўлиб хизматга туҳматдир. Мен А. Қодирийни гўрдан чиқариб, унинг ёрқин образини яратиб халқимизга ҳадя этсам-у, Хондамир билан Шеркон эса матбуот ва оғзаки иғво орқали асарни саҳнадан олиб ташлашга бел боғласалар. Бундан ортиқ ноинсофлик бўлиши мумкинми?

Хат муаллифлари даъволарининг биринчи хусусияти — ёлғончиликдир. Менинг асаримда Қодирийга Охунбобоев «биз — тенгдошмиз-ку!» деган эмиш. Аслида эса Охунбобоев «сиз билан мени тенгдошлар деса ҳам бўлади», дейди. Яъни ўзи билан ёзувчи орасида ёшда анчагина фарқ борлигини кўзда тутади. Шунингдек, муаллифлар ҳеч тортинмасдан таъкидлашларича, спектаклда Қодирий «мен бу асарни бир кечада ёздим», деганмиш. Аслида, романнинг бутун бир қиш ичида ёзилгани икки марта қайд этилади.

Муаллифлар менга нисбатан қилаётган даъволарнинг иккинчи характерли хусусияти — улар адабий ижод талаби ва специфкасидан таомоман бехабардирлар. Жумладан, мен «Ўтган кунлар» асарини адибнинг биринчи қамоқдан Охунбобоев ёрдами билан халос этилганидан кейин ёзилган деб тасвир этганман. Муаллифлар бунга эътироз билдирадилар. Улар билмайдиларки, агар мазмун ва шакл тақозо этса, ёзувчи воқеаларнинг хронологиясини ўзгартиришга ҳақлидир. Масалан, «Алишер Навоий» драмасида ва жаҳонда шуҳрат топган шу номли фильмда буюк шоирнинг энг забардаст асари «Хамса» 1489 йилда Астрободда ёзилган дейилади. Аммо ҳар бир саводли киши яхши биладики, у Ҳиротда 1485 йилда тугалланган. А. Толстойнинг «Пётр Биринчи» романида Алексей отаси билан актив курашган, катта ёшли сиёсий арбобдек ифодаланган. Ваҳоланки, Пётр билан боярлар орасида қизғин кураш борган пайтда у сиёсатдан узоқ бир ўсмир эди, холос. Машҳур драматургимиз А. Шатровнинг Октябрь инқилобига оид асарларида умрида бир-бирининг юзини кўрмаган тарихий шахслар бир жойга тўпланиб мунозара қиладилар, В. И. Ленин эса ҳатто бизнинг бугунги кунимиздаги қайта қуриш жараёни ҳақида фикр юритади.

Муаллифлар мени «Ўтган кунлар» асарини айнан кўчириб олишда айблайдилар. Аксинча, мен романнинг қисқача мазмуни билан томошабинни таништириш орқали А. Қодирийнинг образини очиб бериш йўлидан борганман. Чунки ёзувчининг шуҳрати ҳам, ҳалокати ҳам шу асар билан чамбарчас боғлиқ. Қаҳрамонга ўз асарининг мазмунини айтиб бердириш адабиётда кенг қўлланилган қонуний усул бўлиб, хат муаллифларининг Қодирий авлоди эканлиги уларга бу усулдан фойдаланишни ман этиш ҳуқуқини бермайди. Мен асардан кўчириш йўли билан борган эмасман, балки асосий мазмунга янада ишлов берганман. Бу — оғир иш. Шу билан бирга у менинг асарим эмаслигини қайта-қайта қайд ҳам этганман. Демак, менинг «ўғрилигим» ҳақидаги гап қип-қизил ёлғон

Шу ўринда томошабинлар учун бир маълумот беришни лозим деб топдим. Нима учун асар ривоят деб аталади? Гап шундаки, А. Қодирий каби буюк сиймолар ҳақида асар ёзган ҳар бир ёзувчи ўз тасвири ва талқинини бирдан-бир тўғри услуб деб талқин этишга ҳақли эмас. Шу сабабли сўнгги йилларда совет адабиётида версия номли жанр пайдо бўлди. А. Штейннинг Блок ҳақидаги, Ю. Семеновнинг Маяковский тўғрисидаги асарлари шулар жумласидандир. Шу маънода спектакль менинг А. Қодирий ҳақидаги тасаввуримнинг ифодаси бўлиб, ижодий ҳужжатларга асосланади ва яшашга ҳақли.

Хатнинг яна бир хусусияти — муаллифларнинг ёзувчи ҳуқуқларига тажовуз этишларидадир. Унда муаллифлар ёзувчига ўз асари учун материални қаердан олишни ўргатадилар. Мен ўз асарларимга қаердан ва қандай материал олишни шу бетакаллуф хат муаллифларидан ўрганишга муҳтож бўлсам, умуман ёзувчилик қилмаган бўлардим. Хат муаллифларининг қонунга зид тажовузкорлиги даражаси шунга етадики, улар келажакда Қодирий асарлари устида кимлар ишлаши мумкинлиги ва мумкин эмаслигини олдиндан тайинлайдилар. Хатда тилга олинган яна қатор фактлар (гиналар, ғийбатлар) диққатга арзигулик эмас. Шу сабабли улар ҳақида гапириб ўтирмайман. Бирор ёзувчининг асарини бир жанрдан иккинчи жанрга кўчирган киши шу кейинги асарнинг муаллифи ҳисобланади. Фикримнинг исботи учун қуйидаги мисолни келтираман: Михаил Булгаковнинг Москвада 1989 йилда «Советский писатель» нашриётида чоп этилган китобига Гоголнинг «Ўлик жонлар»и, Сервантеснинг «Дон Кихот» ва Л. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» асарларининг инсценировкалари Булгаковнинг асари сифатида киритилган. Хат муаллифлари эса бизнинг спектаклимизда Қодирий асаридан олинган воқеалар 85 минутлик вақтни эгаллагани учун драма муаллифини ўғриликда айблайдилар.

Қонунга мувофиқ «Ўтган кунлар» фильмининг муаллифи — сценарийчи С. Муҳамедов бўлгани каби «Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари» спектаклининг муаллифи — драматург И. Султондир. Мен инсценировка (сценарий ёзиш) йўли билан эмас, оригинал асар яратиш йўлидан бораман. Демак, менинг ишимга ҳеч кимдан рухсат ёки розилик даркор эмас.

Спектаклнинг неча минути Қодирий романи асосида ва неча минути И. Султон матни билан бораётганини эринмасдан ҳисоблаб чиққан «меросхўрлар» бир муҳим нуқтани атайин ўқувчилардан яширадилар, яъни қаллоблик қиладилар: Қодирий ҳикоя қилаётган матнда И. Султоннинг ҳам ҳиссаси бор, ҳар бир маданий томошабин яхши тушунадики, бутун бир романдан саҳнабоп қисқа ҳикоя юзага келтириш учун драматик вариантнинг муаллифи ўзи ҳам қисман оригинал руҳига мос равишда янги матн яратишга мажбур.

Бу гапларнинг ҳаммасини мен ўз асаримни мудофаа этиш учун эмас, балки бемаъни бир ҳужжатга жавоб беришга мажбур қилинганим учун ёзаяпман. Менинг асарим ўзини-ўзи мудофаа қилишга қодир. Ўзини-ўзи мудофаа этолмайдиган асар эса ҳеч бир ёзувчига керак эмас.

«Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари» спектаклининг яратилишида айтишим мумкинки, ижодий коллектив ҳар битта аъзосининг ҳиссаси бор. Театрнинг бадиий раҳбари Л. Файзиев бир ярим йил мобайнида мен билан бирга севикли адибимиз ҳақидаги драматик ривоятнинг уч варианти устида ишлади. Л. Файзиевда катта режиссёрга хос бир хусусият бор: у ўзи туппа-тузук драматург ва муаллифларга муҳим маслаҳатлар беришга қодир. Л. Файзиевнинг узоқ муддат кинода муваффақиятли равишда ишлаб орттирган ижодий тажрибаси эса бизнинг спектаклимизда мазмунга мос саҳнавий динамикани юзага келтиришда ёрдам берди.

Партия матбуоти саҳифаларидек мўътабар минбардан истифода этиб Ҳамза номли академик театрга ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни изҳор этишни бурчим, деб ҳисоблайман.

**Иззат СУЛТОН.**

# Ҳайкалини бузмайлик

МЕН Иззат Султонни адабиёт илмининг билимдони, драматургиямизга баҳоли қудрат хизмат қилган ва қилаётган адиб сифатида билардим, ҳурмат қилардим. Аммо «Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари» ривоят-спектаклини кўрганимдан кейин очиғи, у кишига бўлган ихлосим сусайди.

Гап шундаки, И. Султон ўзича «Ўтган кунлар» романи қаҳрамонлари ва А. Қодирий ҳаётини уйғунлаштириб, ундан бирон маъно чиқармоқчи бўлади. Афсуски саҳна асарида XIX аср ҳаёти тасвири билан XX асрнинг 20—30-йилларидаги воқеалар баёни, Отабек образи ва Қодирий сиймоси ўзаро уйғунлашган эмас. Бунга даврлар ўртасидаги фарқ ҳам, Қодирий ва И. Султон услублари ўртасидаги фарқ ҳам имкон бермаган. Шахсан мен спектаклда ҳозирги томошабинга маънавий озиқ берадиган бирон бир ғоявий маъно топа олмадим.

Бунинг устига, биз гарчи Қодирийни шоиртабиат адиб сифатида тасаввур қилсакда спектаклдаги Қодирийнинг сарбастнамо вазнда гапиришлари негадир эриш туюлади. Кўпгина ўринларда Қодирий образини яратмоқчи бўлган артист М. Абдуқундузов «Ўтган кунлар»даги қ[illegible]р эпизодларни нўноқлик билан (И. Султон сўзлари орқали) баён қилиб беради. Унинг ҳар гал бирор эпизод олдидан чиқиб, роман сюжетини қуруқ тил билан баён қилиши томошабиннинг энсасини қотиради. Битта артистнинг ҳам Қодирий, ҳам Отабек ролларида чиқиши, гарчи асарнинг таъсир кучини ошириш мақсадида ўйланган бўлса-да, кишига бадҳазм таом каби ботмай тураверади. Отабек — Қодирий яратган кўплаб образлардан бири. Назаримда, иккаласини бир одам тарзида тасаввур эттиришга интилиш Қодирийнинг адабий-инсоний обрўсини оширмайди.

Устига-устак қатор ўринларда «Ўтган кунлар»нинг қаҳрамонлари И. Султон таҳрири остида гапирадилар. Домланинг адабиёт олдидаги хизматларини камситмаган ҳолда айтиш лозимки, Қодирий И. Султон таҳририга (ҳатто бу таҳрир спектаклга айланиш жараёнида юз берган бўлса-да) муҳтож ёзувчи эмас.

Қўшимча қилиб шуни айтиш керакки, авторлик ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ташкилот (ВААП)дан Қодирий авлодларига берилган ҳужжатда айтилганидек, (у шу йилги драматургия муҳокамасида ўқиб эшиттирилди) автор ўлимидан кейин унинг асари яратилган пайтда қандай бўлса, айнан шундай ҳолдагина фойдаланиш (нашр этиш, саҳналаштириш) мумкин экан. Бунинг учун фойдаланган одам қалам ҳаққи ололмас экан. Иззат Султон кўпгина ўринларда табиийки, муаллифнинг рухсатисиз (ва авлодларини ёзма равишда хабардор қилмасдан) «Ўтган кунлар»дан бузиб фойдаланади. Спектакль муаллифи бу иши учун қанча қалам ҳақи олгани бизга қоронғи, албатта. Майли, бу ишлар билан бошқа ташкилотлар шуғулланар, аммо мени бундан ҳам муҳим нарса ташвишга соляпти. Бу — Қодирийнинг ўқувчилари... Ушбу драматик ривоятни томоша қилган, ҳали «Ўтган кунлар»ни ўқимаган ёш томошабиннинг асардан ихлоси қайтмасмикан? Улар «Ўтган кунлар» деб айтишгани шу бўлса, бу эртакнамо нарса экан-ку, деб ўйлашмасмикан? Менга ҳаммадан ҳам Қодирийнинг бўлғуси ўқувчилари қалбида унга нисбатан уйғониши керак бўлган ҳурматнинг драматург ва режиссёр ёрдамида сўндирилиши оғир ботяпти.

Бу фикр-мулоҳазаларим орқали шуни айтмоқчиманки, биз Қодирийга ҳозирча ҳайкал қўёлмаяпмиз. Ҳар йили ўнлаб бекатларни қайта-қайта қуриб-бузаётган, бунга қанчадан-қанча маблағ сарфлаётган Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ва қурилиш идораларининг пули А. Қодирийга ҳайкал қўйиш, унинг уй-музейини яратишга келганда етмай қоляпти. Шундай экан, ҳеч бўлмаса адибнинг ўзига-ўзи қўйиб кетган ҳайкали — унинг ўлмас асарларини бузмай турайлик!

**Ботир НОРБОЕВ,**
**филология фанлари кандидати.**

«Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари»

• Фикрлар тўқнашуви •

• МУЛОҲАЗА
• МУНОЗАРА
• МУҲОКАМА

# ҚОДИРИЙГА ҲУРМАТ ШУМИ?

ЎЗБЕК томошабини бу кунни узоқ кутганди. Ярим аср кутганди, ундан ҳам кўпроқ кутганди. Ниҳоят, Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри саҳнасида «Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари» спектакли пайдо бўлди... Мазкур спектакль ҳақида фикр юритарканмиз, санъаткорларнинг меҳнати ва ютуқлари хусусида индамай ўтиш адолатдан эмас. Режиссурадаги айрим ютуқлар, саҳна безаклари ва актёрларнинг ижодий изланишлари диққатга сазовор. Республикада хизмат кўрсатган артист М. Абдуқундузовнинг академик театр саҳнасида пайдо бўлишини табриклаш керак. Шу билан бирга спектаклда бу талантли актёр ғоят ноқулай аҳволга солиб қўйилганлигини ҳам айтмай ўтолмаймиз. Ҳам Абдулла Қодирий, ҳам Отабек образини яратиш вазифаси унинг ижодий имкониятини чеклаб қўйган. Оқибатда икки қуён ортидан қувган актёр иккала қаҳрамонининг ҳам мукаммал образини яратишга муяссар бўла олмаган. Очиғи, А. Қодирий образи бутунлай инқирозга юз тутгани ҳолда Отабек сиймосида актёр баъзи ютуқларни қўлга киритганки, бу келажакда унинг айни шу образни қиёмига етказиш учун интилиш йўлидан бориши кераклигини тақозо этади. Шунингдек, СССР халқ артисти Н. Раҳимов (Ҳасанали), Ўзбекистон ССР халқ артисти Т. Азизов (Мирзакарим қутидор), Г. Иброҳимбекова (Зайнаб), И. Болтаева (Ойбодоқ) каби қатор актёрлар яратган образлар ҳақида ҳам илиқ гаплар айтиш мумкин. Эсиз, Б. Қосимов, Т. Мўминов, С. Эшонтўраева, С. Умаров каби санъаткорларнинг меҳнатлари! И. Султоннинг уқувсизлиги уларнинг ижодий меҳнатини деярли йўққа чиқариб юборган.

Минг афсуски, буюк адибнинг дурдона асари ўзга ном билан тортиқ этилди. Тўғрироғи, оламга машҳур «Ўтган кунлар»нинг Иззат Султон номидан чиқиши А. Қодирий ижодини севган ва ҳурмат қилган кишиларда норозилик уйғотди. У асарни саҳналаштиришга қўл уришдан аввал «муаллиф» ва «инсценировка муаллифи» деган тушунчаларнинг бирбиридан фарқини тушуниб олса ёмон бўлмасди. Кези келганда, Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романини инсценировка қилган Тошхўжа Хўжаевнинг ҳалоллигини ва шу туфайли халқ меҳрини қозонганлигини ёки Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», «Холисхон» каби асарлари асосида йирик саҳна полотнолари яратган К. Яшиннинг ижодий принципларини эслатиб ўтиш ўринлидир. Биз фикр юритаётган спектакль эса бунинг акси ўлароқ жиддий эътирозларга сабабчи бўлди. Бошқача қилиб (узр, қўполроқ) айтганда, драматург билан режиссёр қўлларига болта олиб «Ўтган кунлар»ни аямасдан қиймалаб, лахтак-лахтак қилиб ташлашибди. Натижада спектаклнинг биринчи қисми томошабиннинг ғашини келтирувчи олақуроқ кўрпачага ўхшаб қолган. Бош-кети йўқ, узуқ-юлуқ, ҳеч қандай мантиқ ипи билан боғланмаган воқеалар А. Қодирий шаънига номуносиб бир кўйга солинганки, оқибатда Отабек билан Кумушнинг нозик ҳис-туйғулари томошабинларнинг истеҳзоли кулгусига сабаб бўлади. Спектакль авторлари иккинчи бўлим воқеаларига ҳам ижодий ёндашишган. Қодирий даҳоси ҳукмрон бўлган бу бўлим то Иззат Султон ҳиссаси қўшилган ергача барчани мафтун этади. Унинг қалами теккан жойдан бошлаб эса яна ғарибона абгорлик бошланади.

Очиғи, томошабин театрга Отабек ва Кумушни кўриш учун келяпти, лекин қачонгача?

Спектакль мантиқан олганда шу қадар заиф қилиб қўйилганки, буни сира ақлга сиғдириб бўлмайди. «Адабиёт назарияси» китобининг муаллифи, филология фанлари

*Спектаклдан кейинги ўйлар*

доктори, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби И. Султонга ҳар бир образ ўз мантиқига, ички композицияга эга бўлиши зарурлиги каби энг жўн қоидалар маълум эканлигига ишонгимиз келади. Шундай экан, нима учун олим ана шу оддий қонун-қоидаларга риоя қилмади, деган ҳақли савол туғилади. Ушбу фикримизнинг исботи учун шуни айтиш кифояки, спектаклда 40 тага яқин персонаж қатнашганлиги ҳолда деярли уларнинг бирортаси ҳам мукаммал бадиий образ даражасига кўтарилмаган. Драматург ва режиссёр томонидан спектаклга зўрма-зўраки тиқиштирилган Охунбобоев, Адолат, Ойбек, Обид кетмон, комиссар, Ҳаким, Солиҳ Махсум (Маҳдум) каби қатор образлар шу қадар чўлтоқ ва ночорки, улар бадиий ижод талабларига мутлақо жавоб беролмайдилар.

И. Султон роман яратилган давр воқелигини романда тасвирланган воқеалар билан боғлашга уринган. Аммо бу ишнинг уддасидан чиқа олмаган. Сабаби, бир-бирига боғлаш асло мумкин бўлмаган икки ижтимоий-иқтисодий тузумни бир қозонда қайнатишга уриниш ўта салбий натижа берган. Бундан ташқари режиссёр билан драматург спектаклни ҳозирги замон ва қайта қуриш руҳи билан ҳам боғлашга, ўринсиз урғулар, шиорлар, аппартлар (томошабинга бақрайиб мурожаат этиш) каби усулларни қўллашга ҳаракат қилганларки, бу уринишлар ҳам беҳуда кетган. Бир-бирига қўшилмайдиган тарихий муҳит, ғоявий талабларни аралаш-қуралаш тарзда талқин этишни кўзлаган бундай «изланиш»лар дидсизлик ва дилетантизмнинг энг ёрқин намунасидир.

Саҳнадаги кўринишларнинг 90 фоизини «Ўтган кунлар»да тасвирланган воқеалар ташкил этади. И. Султон киритган сунъий шеърлар, диалоглар, лирик чекинишлар эса назаримизда, гўзал чеҳрадаги яра-чақага ўхшайди. Бизнингча, Қодирий дурдонаси ана шундай тошмалардан, чапламалардан тозаланса, ўз жамолини янада мукаммалроқ намоён этган бўларди. Мантиқ ҳукми ана шундай пластик операция ўтказиш зарурлигини тақозо этади.

Муаллифлар асарга ўзлари қўшган саҳналардан кўнгиллари тўлмаган, шекилли, хотимада А. Ориповнинг «Оломонга» шеъридан парча илова этишган. Бу парча уқувсизлик билан қўшилган. Аниқроғи, у воқеалар мантиқига шу қадар зидки, бу сунъийлик нима учун кераклигини мутлақо тушуниб бўлмайди.

Ўйлаб-ўйлаб ҳақиқатнинг тагига етолмай қолади, киши. Абдулла Қодирийни тириклигида-ку шу қадар топтадик, нега ҳали ҳам унинг руҳи-покига ҳурматсизлик қиламиз?! Унинг Ҳабибулла Қодирийдек (марҳум) салоҳиятли ёзувчи фарзанди, зиёли набиралари борлигига қарамай, асарлари нега сўроқсиз талон-торож қилиняпти?! Нега энди Қодирий ижодига бу қадар юзаки муносабатда бўламиз?

Ўрни келганда бир нарсани эслатмасдан ўтолмаймиз. А. Қодирий яшаган ҳовли қайси кўчага жойлашганлигини биласизми? Билмасангиз, билиб қўйинг: Овсянников номли кўчага. Нега энди Қодирий яшаган кўчага Овсянников ёки шунга ўхшаш номлар берилиши керак? Мана бизнинг унга бўлган муносабатимиз. Агар бундай машҳур ёзувчи грузин, арман, озарбайжон ёки украин бўлганида борми, улар бундай мутафаккир ҳурмати учун у яшаган маҳаллани табаррук қадамжога айлантирган, кўчаларни обод қилиб, уларга «Абдулла Қодирий», «Ўтган кунлар», «Обид кетмон», «Отабек», «Кумушбиби», «Юсуфбек ҳожи», «Ўзбекойим» деб ном қўйган бўлардилар. Бизда-чи? Аммо бу эзгу ниятларни амалга ошириш учун ҳали ҳам кеч эмас. Тошкент шаҳар ва Октябрь район Советларининг ижроия комитетлари бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб, ёзувчининг муносиб хотирасини тиклайдиган пайт аллақачон келди!

Бир сўз билан айтганда, спектаклни кўргандан кейинги фикр-мулоҳазалар шундан иборатки, томошабинларни А. Қодирий даҳосидан, Отабек ва Кумушбибилар висолидан маҳрум этмаслик ва театр коллективининг ижодий изланишидаги бундай бурилишни маъқуллаш керак. Бунинг учун спектаклни сунъий чапламалардан тозалаш, И. Султонга тегишли сўзлар, шеърлар, саҳналарни эса битта қолдирмасдан олиб ташлаш зарур. Ўзбек адабиётининг классик намунасини бузганлиги, унинг маънавий ва мантиқий баркамоллигига қаттиқ шикаст етказганлиги учун И. Султонни фақат муаллифликдан эмас, балки инсценировка муаллифлигидан ҳам четлаштириш зарур. Асарни эса Москва ва Иттифоқимиздаги кўпгина театрлар тажрибасидан ўрнак олиб, романлигича саҳналаштириш йўлидан борган маъқул. Ана шундагина ўзбек томошабинлари етук саҳна асари билан танишадилар.

**С. ИНОМХЎЖАЕВ,**
**санъатшунос.**

# САҲНАДАН ТУШМАСИН

«АБДУЛЛА Қодирийнинг ўтган кунлари» спектаклини томошабинлар қизғин кутиб олдилар. Бунинг боиси биринчидан, асар романнинг инсценировкаси бўлмасдан, А. Қодирийнинг бошидан кечган воқеалар ҳақида; иккинчидан, спектакль мемуар характерда эмас, балки жонли образлар асосида яратилган. Учинчидан, асарни саҳналаштиришда драматург билан режиссёр ҳозирги замон театр санъати ютуқларидан фойдаланиб, қатор янгиликлар киритишган, ролларга артистлар муваффақиятли танланган, ёзувчининг ҳаёт саҳифалари роман сюжети билан уйғунлаштирилиб, пьеса ғоявий жиҳатдан юксак даражага кўтарилган.

Тахминан ўн йил муқаддам Фарғона театрида «Ўтган кунлар» инсценировкаси асосида асарнинг драматик варианти қўйилган эди. Инсценировка романнинг қисқартирилган варианти эди. «Ўтган кунлар» кинофильми ҳам романдан анча фарқ қилади. Шуни унутмаслик керакки, И. Султоннинг «Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари» асари романнинг инсценировкаси эмас, балки Қодирийнинг ҳаёти ҳақидаги пьесадир. Қодирийнинг ҳаёт йўлини кўрсатиш учун И. Султон роман сюжетидан фойдаланган, чунки бусиз ёзувчи ҳаётини тўла кўрсатиш мумкин эмас. Агар «Ўтган кунлар» романи 300 бетдан ортиқ бўлса, унинг 10—15 саҳифа ҳажмдаги материалидан айнан фойдаланилган ва янгича нуқтаи назардан туриб саҳнага олиб чиқилган. Романдаги сюжет йўналишини Қодирий ҳаёти билан параллел бир-бирига ўхшатиб талқин қилиш И. Султондан жуда катта маҳорат талаб этган. Шунга асосан бу асарни янги пьеса деб тушуниш керак.

Ўзбек совет энциклопедиясида кўрсатилганидек, «СССРда давлат ва жамоат манфаатларини ҳисобга олиб авторнинг розилигисиз ҳам унинг асарларидан фойдаланишга рухсат этилади». Шундай экан, нима учун Қодирий ҳаётини тасвирлашда И. Султон унинг романидан фойдаланиши мумкин эмас?

А. Қодирий набираларининг фикрига қараганда, Қодирий ҳақидаги асарда унинг ҳаёт саҳифалари ўзгаришсиз берилиши керак. Ҳамза ҳақидаги кинофильмни мисолга олайлик. Унда Ҳамза йиғма образ сифатида талқин қилинади. Н. Островский ҳаётига бағишланган пьесада «Пўлат қандай тобланди?» асаридан самарали фойдаланилган. Ахир адабий асарда бадиий тўқимадан фойдаланиш таъқиқланган эмас экан-ку! Шундай бўлгач нега И. Султон бадиий тўқимадан фойдаланиши мумкин эмас? Аксинча, ана шундай усуллар спектаклда А. Қодирий образини яратишга кенг имконият берган. Бунга А. Қодирий ва Отабек образларининг бирлаштирилиши мисол бўла олади. Охунбобоев ва Қодирий муносабатларига келганда эса ҳаётда бундай бўлмаган бўлиши мумкин, лекин Охунбобоевнинг Ҳамза ва бошқа ёзувчиларни қўллаб-қувватлаганини ким инкор эта олади? Шу муносабат билан драматургни беҳурмат қилиб, унинг асарларини уйдирма деб баҳолаш инсофдан эмас.

Асарни саҳналаштиришда театр коллективи ва режиссёр хизматларини гапирмасдан иложим йўқ. Фикримча, асарда мураккаб саҳналарнинг талқини юқори савияга кўтарилганига биринчидан, спектаклнинг саҳна безаклари муаммоси усталик билан ҳал қилинган (Кумушнинг сув бўйида туриши, саҳнада сув оқмаса ҳам оқҳандек, Отабекнинг саҳна ертўласида уч душманга ҳамла қилиб, уларни ўлдириши, Тошкентнинг мудофаа деворлари ва бошқалар). Иккинчидан, ролларга муносиб артистлар танланган. Шахсан мен 1935—36 йилларда А. Қодирийни икки маротаба кўрганман. Унинг ролини ижро этаётган актёрда нисбатан ташқи ўхшашликлар бор.

Мен 4 февралда театрга қўшниларимизни олиб тушмоқчи эдим, аммо 14 февралга ҳам билет сотиб бўлинганини айтишди. Ана шундай муваффақият қозонаётган асарни қоралаб, арзимаган нуқсонларни олға суриб, драматург ва театр коллективини ранжитиш одобдан эмас. Спектакль саҳнадан тушмаслиги керак.

**Ҳ. СОБИРОВ,**
**иқтисод фанлари доктори.**

# ҲАҚҚОНИЙ ЭЪТИРОЗЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ДРАМАТУРГИЯ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИДАН**

**23 февралда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг Ҳ. Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида драматургия кенгашининг 1988 йил якунига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда таниқли адиблар, драматург, театршунос, режиссёр, актёр ва санъат ихлосмандлари иштирок этишди.**

**Йиғилишни кенгаш раиси, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Т. Тўла олиб борди. Тўпланганлар театр бўйича Машраб Бобоевнинг, кинодраматургияси бўйича эса Р. Муҳаммаджоновнинг маъруза ва ахборотларини тингладилар.**

**— Ўтган йили Ш. Бошбековнинг «Темир хотин» ва «Эски Жўва Гаврошлари» пьесалари кенгашимизда муҳокама қилиниб, яхши баҳо олгач, сўнгра ёш томошабинлар ва сатира театрларида муваффақиятли саҳналаштирилди, — деди М. Бобоев. — Айниқса, «Темир хотин» театрлар ўртасида талаш бўлиб кетди. Бу — драматургнинг бахти, албатта. Чунки бизда театрларда талаш бўлиб кетаётган асарлар йўқ ҳисобида. Нега у томошабинларнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди! Чунки унда жуда кўп асарларимизда етишмаётган нарса — ҳаёт бор. Ҳаёт бўлганда ҳам айнан бугунги ҳаёт, унинг санъаткорона ифодаси бор. Томошабин «Темир хотин»да фақат ўз ҳаёти, тилининг учида турган дардинигина кўриб қолмай, балки ундан жуда катта эстетик завқ ҳам олади. Шу боисдан ҳам у Ёзувчилар союзининг йилнинг энг яхши асарларига бериладиган мукофотига тавсия этилди.**

**Шундан сўнг маърузачи «Ёш гвардия» театрида режиссёр Б. Йўлдошев саҳналаштирган драматург Ш. Холмирзаевнинг «Зиёфат» асарини тилга олиб, унинг ютуқ ва камчиликларига тўхталди. Кейин Ҳамза театрининг бош режиссёри Л. Файзиев саҳнага қўйган И. Султоннинг «Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари» драматик ривоятини атрофлича таҳлил қилди.**

**— Абдулла Қодирий номини, унинг қаламига мансуб ҳар бир сўзни асраш, авайлаш ва уларни авлодларга етказиш — ҳар бир ўзбекнинг бурчи, — давом этди у. — Янглишмасам, бу ҳақда И. Султоннинг ўзи: «Ўтган кунлар»ни саҳнага чиқариб бўлмайди, хусусан, ундаги Кумушнинг: «Сиз ўшами!» деган ҳолатини саҳнада кўрсатиш қийин...» дегандилар... Бироқ, спектаклни кўриб, бу асарга боғланган умидларим оқланмаганидан ранжидим... Мен романдаги муҳаббатни асосий чизиқ қилиб олиш керак, агар бу иш муваффақиятли ҳал этилса, асар саҳнада халқимиз турганча турадиган асар бўлади деб ўйлардим... Тўғриси, спектакль менда ғалати таассурот қолдирди. Орадан қанча кун ўтган бўлса-да, ҳалиям бир фикрга келганим йўқ. Нима бу! Роман инсценировкасими, асар асосида ёзилган пьесами, Абдулла Қодирий тўғрисидаги асарми!.. Агар у инсценировка бўлса... унда ёзувчи ҳаётига бағишланган лавҳалар нима қилиб юрибди! Қолаверса, улар роман воқеаларига уйғунлашиб кетмаган, бундан ташқари, бу лавҳалар юзаки ва баландпарвоз ёзилган. Ойбек, Охунбобоев, Адолат образлари томошабин кутган таассуротни бермайди... Никоҳ тўйида романни мутолаа қилиш ҳам ғалати. Тўғри, «Ўтган кунлар» кечалари ўқилган, лекин никоҳ тўйида эмасдир!... Санъатнинг энг асосий кучи—томошабинни ишонтиришда эканлигини эслатиб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак... Бевосита роман материалларидан фойдаланилган ўринларда шошма-шошарлик сезилади, воқеалар кино усулида тезкорлик билан берилади. Отабек билан Кумуш муҳаббати, Ҳомид чизиғи ўткинчи ҳолда кўрсатилади. Асарнинг бадиийятига алоқадор бундай нуқсонларни жуда кўп келтириш мумкин. Гап шундаки, А. Қодирий «панжасига» ниҳоятда масъулиятсизлик билан, ҳатто ўзбошимчалик даражасида «панжа» урилган...**

**Латиф Файзиев икки ярим йилда иккита спектакль қўйди, лекин улар театрнинг кейинги йўналишини белгилаб берадиган даражада чиқмади. Хўш, шундай экан, театр маданиятимизнинг ойнаси бўлган Ҳамза театрининг бугунги инқирози учун кимни гуноҳкор қиламиз!..**

**Доклад муҳокамасида филология фанлари докторлари Н. Худойберганов, Ҳ. Абдусаматов, И. Султон (у кишининг эътирозлари юқоридаги хатда ўз ифодасини топган), санъатшунослик доктори М. Қодиров, филология фанлари кандидати Б. Норбоев, «Ўзбекфильм» киностудиясининг бош редактори Ф. Мусажонов, драматург Саъдулла Аҳмад, адабиётшунос Ш. Ризаев, санъатшунослик кандидати Б. Насриддинов, педагог Ш. Қодирий ва бошқалар сўзга чиқдилар. Кўпчилик «Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари» асари драматургия кенгашида муҳокама қилинганида бундай камчилик ва хатоликларнинг олдини олиш мумкинлигини таъкидладилар.**

**Р. ҒАЙИЕВ.**

